



SHARQSHUNOSIK  
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ  
ORIENTAL STUDIES



2

2022

ILMIY JURNAL  
ISSN 2181-8096



**SHARQSHUNOSLIK**  
**ВОСТОКОВЕДЕНИЕ**  
**ORIENTAL STUDIES**

---

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY  
OF ORIENTAL STUDIES

**№ 2, 2022**



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси  
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

**Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

**Таҳрир хайъати**

<b>Д. Сайфуллаев</b>	<i>тарих фанлар доктори, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
<b>Д. Мухиддинова</b>	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
<b>А. Маннонов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Р. Ходжаева</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Ш. Шомусаров</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Қ. Омонов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>У. Мухибова</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Х. Хамидов</b>	<i>филология фанлари доктори, доцент</i>
<b>Б. Абдухалимов</b>	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>А. Ходжаев</b>	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>М. Исҳоқов</b>	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>А. Дониёров</b>	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>Х. Файзиев</b>	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
<b>Р. Жумаев</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
<b>Н. Абдуллаев</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, доцент</i>
<b>Ш. Ёвқочев</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
<b>А. Ваҳобов</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>Р. Абдуллаев</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>И. Мавланов</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>Д. Пўлатова</b>	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
<b>Р. Баҳодиров</b>	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
<b>Э. Иззетова</b>	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
<b>Г. Глизон</b>	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
<b>А. Шоназарова</b>	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
<b>Оно Масаки</b>	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
<b>Ли Джи Ин</b>	<i>Корея Республикасининг Ханжук чет тиллар университети профессори</i>
<b>В. Месаамед</b>	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
<b>А. Гурер</b>	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
<b>А. Воробьев</b>	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
<b>Г. Авда</b>	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
<b>А. Тохир</b>	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
<b>Ли Синьвэй</b>	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
<b>Х. Байдемир</b>	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

**Нашрга тайёрловчилар:**

**Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова**

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши  
лозим бўлган илмий наشرлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий  
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS****АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //  
LITERATURE STUDIES**

<i>Ходжаева Р.</i> Образы и мотивы арабо-мусульманской литературы в литературе и искусстве западной Европы и России .....	5
<i>Мухиддинова Д.</i> Замонавий араб ёзувчиси Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри .....	12
<i>Махамдходжаева У.</i> XX аср Ҳинд адабиётида гендер тенглиги масаласи.....	24
<i>Муродова Д.</i> Пак Вансоннинг “Шунча Шингани ким еган?” романида миллат муаммосининг бадий талкини .....	29
<i>Абдуганиева Н.</i> Волшебные сказки Индонезии и их формулы.....	42
<i>Джалилова Ш.</i> О категория имени существительного в народно – песенных текстах на Авадхи .....	54

**ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS**

<i>Тўлагонова Ш.</i> Стереотип бирликларда маъно кўчиши ҳодисаси.....	60
<i>Юнусова Н.</i> Синхрон таржимада стратегия ва тактикалар .....	70
<i>Жўраева М.</i> «Ал-Фавоиду-з-Зийийа» ва «Кофия» асарларида феъл туркумининг ёритилиш принциплари .....	79
<i>Ғисаров Ф.</i> Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларига ҳос лексикологик хусусиятлар .....	90
<i>Умарова М.</i> Таом номларига оид реалиялар ва уларнинг Урду ҳамда Рус тилларига таржималари хусусида .....	97
<i>Қудратов А.</i> Синхрон таржимани ўрганиш тарихидан .....	105

**МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ  
И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY**

<i>Худайбердиев А.</i> Политика Италии и Великобритании в Йемене между двумя мировыми войнами .....	114
<i>Абдуллаев У.</i> Амир Темурнинг яқин шарқ сиёсатидаги илк натижалар .....	128
<i>Зокиров Б.</i> XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган хориж сайёхларининг асарларидаги топонимлар аҳоли этноижтимоий таркибини ўрганишда манба сифатида.....	136
<i>Мавланов И.</i> Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда давлатни иқтисодий бошқариш тизимининг айрим жиҳатлари .....	143
<i>Ходжимуратова Д.</i> Эрон ташқи сиёсати генезиси ва эволюцияси .....	160

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА СИЁСАТ //  
МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И ПОЛИТИКА //  
INTERNATIONAL RELATIONS AND POLITICS**

<i>Абдуллаев Н.</i> Суриянинг сиёсий трансформацияси хусусиятлари.....	169
<i>Бобохонов А.</i> Технологическое развитие КНР как новый фактор формирования китайской «мягкой силы» .....	179



*Абдурасулов Ж.* Афғонистон иқтисодиётини тиклашдаги тўсиқлар  
ва истиқболлари ..... 192

**ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY**

*Ахмедова С.* Специфика проблемных аспектов теории познания в китайской  
философии ..... 203



**ЖЎРАЕВА МАДИНА**

ўқитувчи, ТДШУ

### **«Ал-фавоиду-з-зиёийа» ва «Кофия» асарларида феъл туркумининг ёритилиш принциплари**

**Аннотация.** Мазкур илмий мақолада қуйидаги масалалар таҳлил этилган: Абдураҳмон Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарида феълнинг асосий хусусиятини унинг якка ҳолида ҳам бирон маънога далолат қилиб, яъни мустақил маъно ифодалаб, уч замондан бирига тааллуқли бўлишида, деб ҳисоблаши, шунингдек, олим феълнинг асосий белгиси унга **ف** юкламасини, келаси замонда **س** ва **سوف** юкламаларини ва **جواز** – яъни феълнинг шарт майлини талаб қилувчи юкламаларни, ҳамда муаннас эжининг ва бош келишидаги бирикма олмошларининг сукукли **ت** ҳарфини қўшилишида эканлигини таъкидлаганлиги кабилар илмий таҳлил этилди ва унга муносабат билдирилди.

Шунингдек, мақолада Жомийнинг феълнинг майл юкламалари билан келишини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганлиги, олим феъл майлларининг шакли, уларнинг қўлланилиши ўринлари, муайян шаклни алоҳида талаб қилиб келувчи юкламаларнинг маъноларини тўлиқ очиб берганлиги ҳам ёритилган. Айниқса Абдураҳмон Жомийнинг «феъл» бобининг ўтган ва ҳозирги -келаси замон шакли, буйруқ шакли, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, мажҳул нисбат, гумон ва (ишончли) билиши (ёки ўйламоқ ва ҳисобламоқ)ни ифодаловчи маъноли феъллар туркуми, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини билдирувчи феъллар, ҳайрат (таажжуб)ни ифодаловчи феъллар, мақтов ва таҳқир феъллари ҳақидаги маълумотларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Олимнинг бу феъллар борасида умумий маълумот бериши билан чекланмаслиги, балки мазкур туркумга кирувчи ҳар бир феълнинг гапдаги вазифаларини, маъноларини аниқ ва мукамал шарҳлаб, муносабат билдириши ва уларни алоҳида туркумлаши кенг шарҳланган.

Мақолада Абдураҳмон Жомийнинг ўзига хос услубига алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, айниқса унинг аслиятга кўпроқ эътибор қаратиши кенг ёритилган. Масалан, олим сўзларнинг, грамматик қоидаларнинг асл ўзагини, ясалишини, (этимологиясини) моҳиятини аниқ ифода этиб, чуқур мулоҳаза юритади. Жомийнинг ҳозирги-келаси замон феълнинг насб (истак майли шакли) ҳолатида келишини талаб қилувчи **أَنْ** (...ни), **لَنْ** (ҳеч қачон, эмас, асло), **كُنْ** (учун, ниятида), **لَنْ** (ундай бўлса) юкламаларининг грамматик нуқтаи назардан қандай шаклда ясалганлиги ва ўзгаришига учраганлигини фактик далиллар асосида аниқ маълумотлар берган бўлиб, мақолада мана шу масалалар қиёсий услуб орқали янада кенгроқ ёритиб берилган. Мақолада изланишлар натижасида бошқа мумтоз араб тилишунослик асарларида бундай тўлиқ маълумотларни учратилмаганлиги, бу маълумотлар «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарининг юксак илмий аҳамиятини белгилиб беришини алоҳида ёритиб ўтилди. Тадқиқот натижалари классик араб тилига қизиқувчилар учун манба бўлиб хизмат қилади.



**Таянч сўз ва иборалар:** шарҳ, қўлҳама, тошбосма, замонавий араб тили, «Ал-Фавоиду-з-Зийоййа», грамматика, қиёсий услуб, классик араб тили, Абдурахмон Жомий, феъл, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, Ибн Ҳожиб, буйруқ, майли, шарт майли, тилишунослик.

**Аннотация.** В данной научной статье анализируются следующие вопросы: Абдурахман Джамии в своей работе «Аль-Фавоиду-з-Зийоййа» считает, что основным признаком глагола является принадлежность его к одному из трех времен, что указывает на индивидуальное значение, т. е. самостоятельное значение.

В статье также подчеркивается, что Джамии идет с глагольными предложениями, ученый полностью объясняет форму глагольных предлогов, места их применения, значения предлогов, требующих той или иной формы.

В частности, глава Абдурахмана Джамии о «глаголах» включает формы прошедшего и настоящего времени, повелительные формы, переходные и непереходные глаголы, пассивные местоимения, ряд значимых глаголов, выражающих подозрение и (надежное) знание (или мышление и расчет), вспомогательные глаголы, глаголы действия, выражающие близость, глаголы, выражающие восхищение, глаголы похвалы и оскорбления. Широко отмечается, что ученый не ограничивается предоставлением общей информации об этих глаголах, а ясно и точно интерпретирует функции и значения каждого глагола в этой категории, выражает их отношение и классифицирует их по отдельности.

Статья посвящена уникальному стилю Абдурахмана Джамии, особенно его стремлению к оригинальности. Например, ученый глубоко мыслит, ясно выражая сущность, структуру, (этимологию) слов, грамматические правила.

В результате исследования в статье подчеркивается, что других полных сочинений классического арабского языковедения не обнаружено, что свидетельствует о высокой научной значимости труда «Аль-Фавоиду-з-Зийоййа». Результаты исследования послужат ресурсом для тех, кто интересуется классическим арабским языком.

**Опорные слова и выражения:** комментарий, рукопись, литография, современный арабский язык, «Аль-Фавоиду-з-Зийоййа», грамматика, сравнительный стиль, классический арабский язык, Абдурахман Джамии, глаголы, переходные и непереходные глаголы, Ибн Хаджиб, команда может, условно, лингвистика.

**Abstract.** This scientific article analyzes the following questions: Abdurahman Jami in his work "Al-Favoidu-z-Ziyoyya" believes that the main feature of the verb is that it belongs to one of the three tenses, which indicates an individual meaning, i.e. an independent meaning.

The article also emphasizes that Jami comes with verbal prepositions, the scientist fully explains the form of verbal prepositions, places of their application, the meanings of prepositions that require one form or another.

In particular, Abdurahman Jami's chapter on "verbs" includes past and present forms, imperative forms, transitive and intransitive verbs, passive pronouns, a number of meaningful verbs expressing suspicion and (reliable) knowledge (or thinking and calculation), auxiliary verbs, verbs actions expressing closeness, verbs expressing admiration, verbs of praise and insults. It is widely noted that the scholar does not limit himself to providing general information about these verbs, but clearly and accurately interprets the functions and meanings of each verb in this category, expresses their relationship and classifies them separately.



The article is devoted to the unique style of Abdurahman Jami, especially his desire for originality. For example, a scientist thinks deeply, clearly expressing the essence, structure, (etymology) of words, grammatical rules.

As a result of the study, the article emphasizes that no other complete works of classical Arabic linguistics have been found, which indicates the high scientific significance of the work "Al-Fawaidu-z-Ziyooya". The results of the study will serve as a resource for those interested in classical Arabic.

**Keywords and expressions:** commentary, manuscript, lithograph, modern Arabic, "Al-Fawaidu-z-Ziyooya", grammar, comparative style, classical Arabic, Abdurahman Jami, verbs, transitive and intransitive verbs, Ibn Hajib, command may, conditionally, linguistics.

**Кириш.** «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида Ибн Ҳожибнинг «феъл»га берган қуйидаги таърифи келтирилган:<sup>1</sup> **الفعل ما دلّ على معنى في نفسه مُقْتَرِنٌ بِأَحَدِ الْأَزْمِنَةِ** - «Феъл (якка ҳолида ҳам) бирон маънога далолат қилган, яъни маъно ифодалаган сўз бўлиб, у уч замондан бирига тааллуқли бўлади», дейди.

Жомий мазкур таърифни кенгрок шарҳлаган: **الفعل ما دلّ** "ай калма длт" **على** "معنى" **كانن** "فى نَفْسِهِ" **اي فى نفس ما دلّ**, يعنى الكلمة و المراد بكون المعنى فى نفسه الكلمة دلالتها عليه من غير حاجة الى ضم كلمة أخرى اليها لاستقلاله بالمفهومية... **"مُقْتَرِنٌ بِأَحَدِ الْأَزْمِنَةِ الثَّلَاثَةِ"**. **فخرج به الاسم عن حد الفعل**...<sup>2</sup> - «Феъл харф ёки исм ёрдамига эҳтиёж сезмай туриб бир маънога далолат қилади. Шу билан бирга феъл уч замондан (ўтган, ҳозирги ёки келаси замондан) бирига албатта, тааллуқли бўлади. (Ибн Ҳожиб) **الفعل ما دلّ على معنى في نفسه** дейиши билан «харф» сўз туркумини чиқариб юборди, чунки у ёрдамчи сўз туркуми бўлиб, якка ҳолда келганда мустақил маъно англатмайди. Шунингдек, (Ибн Ҳожиб) **مُقْتَرِنٌ** ибораси билан «исм» сўз туркумини ҳам таърифдан чиқарди, чунки «исм» мустақил маънога эга бўлсада учта замондан бирортасига боғлиқ бўлмайди».

Шунингдек, Абдурахмон Жомий феълнинг хусусиятларини ҳам мукамал шарҳлаган: **و من خواصه** "اي من خواص الفعل" **دخول قد** "لأنها إنما تستعمل لتقريب الماضي الى الحال أو لتقليل الفعل أو تحقيقه و شبي من ذلك لا يتحقق إلا فى الفعل و دخول السين و سوف" **لدلالة الأول على الاستقبال القريب و الثانى على الاستقبال البعيد و دخول الجوازم** "لأنها وضعت إما لنفى الفعل ك(لم و لما) أو لطلبه كلام الأمر، أو للنهي عنه ك(لا) النهى، أو لتعليق الشئى بالفعل كأدوا الشرط و كل من هذه المعانى لا تتصور إلا فى الفعل" **و لحوق تاء التانيث عطف على دخول (قد)** "ساكنة" **حال عن تاء التانيث احتراز عن المتحركة لاختصاصها بالاسم** "و لحوق نحو **قد** - «Феълнинг хусусиятлари- **قد** юкламасини, келаси замонда **س** ва **سوف** юкламаларини ва **جوازم** –яъни феълнинг шарт майлини талаб қилувчи юкламаларни, ҳамда муаннас жинснинг ва бош келишиқдаги бирикма олмошларининг суқунли **ت** харфини қўшилмоғидир. Агар **قد** (аллақачон) харфи ўтган замон феълини англатиб келса, **حال** - ҳолга яқинлаштиради. Ҳозирги-келаси замон феълнинг олдида **قد** юкламаси қўйилса, таҳмин

<sup>1</sup> Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 205а саҳифа.

<sup>2</sup> ФЗ.2056.

<sup>3</sup> Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2056-206а саҳифа.



килиш, гумонни, ишончсизлик, эҳтимоллик маъноларини англатади. (Ҳозирги-келаси замон феълнинг олдида) **س** юкламаси яқин келажакка, **سوف** эса узоқ келажакка ишора қилади. **جوازم** – яъни феълнинг шарт майлини талаб қилувчи юкламалар ҳам феълнинг хусусиятларидандир. **لم** (йўқ)ва **لما** (ҳали йўқ)юкламаси инкорни ифодалайди. Қолганлари баъзан буйруқ учун ёки шартни ифодалаш учун ишлатилади».

Рус арабшуноси Б.М. Гранде: «Араб грамматикасида феълнинг асосий белгиси унинг замон билан боғлиқ ҳолда келишидир. Феъл (исм сўз туркумидан) қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: а) замонга эга, араб тилидаги феълларда ўтган ва ҳозирги-келаси замон мавжуд; б) шахс (биринчи, иккинчи, учинчи шахсларга эга); в) урта сон(бирлик, иккилик, кўплик сон); г) тусланади; д) майлга эга (дарак, кучайторма, истак ва шарт майллари); е) даражага эга (аниқ ва мажхул)<sup>1</sup>», дейди. Феълларнинг бу кўрсаткичлари олд кўшимчалар ва юкламалар (**سوف**, **تاس**, **قد**, **لم**, **إن**) орқали ифода этилади.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёийа»да Ибн Ҳожибнинг ўтган замон феълига берган қуйидаги таъриф ҳам келтирилган:<sup>2</sup> **«الْمَاضِي مَا دَلَّ عَلَى زَمَانٍ قَبْلَ زَمَانِكَ**» – «Мозий маъноси сен турган замондан олдинги вақтга далолат қилади».

Жомий мазкур таърифни қуйидагича шарҳлаган: **«الْمَاضِي مَا دَلَّ»** **أى فعل دل بحسب** **أصل الوضع فانه المتبادر من الدلالة ما دل على زمانٍ قبلَ زمانِكَ**. **مبنيٌّ على الفتح يعنى الماضي مبني على الفتح نحو ضرب**. **«مع غير الضمير المرفوع المتحرك»** **فانه مبني على السكون معه، نحو ضربن الى ضربنا**. **«Мозийнинг (яъни ўтган замоннинг) маъноси сен турган вақтдан олдин содир бўлган ўтган замонга далолат қиладиган бир сўздир. (Ибн Ҳожибнинг) ما دل على زمان (замонга далолат қилади) ибораси барча феълларнинг замонини ўз ичига олади, аммо (ундан кейин келган) قبل زمانك (сен турган замондан аввал) ибораси билан ўтган замондан бошқа барча феъллар бу таърифдан чиқиб кетади. Ўтган замон феълнинг охирига бош келишик маъносидаги туловчи суффикслар ва و-вов қўшилмаса (феъл) фатҳа ҳаракатига тугайди. Масалан: ضرب- урди. Агар ўтган замон феъл охирига бош келишик маъносидаги туловчи суффикслар қўшилса феъл сукунга тугайди. Масалан: ضربن (мн.улар урдилар) – ضربنا (биз урдик). Агар و-вов қўшилса у даммага тугайди. Масалан: ضربوا (мз.улар урдилар)».**

Демак, Жомийга кўра ўтган замон феъли -дамма ёки сукун бўлишини талаб қиладиган маълум бир омилга эга бўлмаса фатҳага тугайди.

Методлар. Мақолани ёритишда илмий тавсифлаш, анализ ва синтез, семантик, қиёсий-типологияк, таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Араб тилшунослигида «ўтган замон феъли» сўзланаётган пайтгача содир бўлган иш-ҳаракатни ёки ҳолатни ифодалайди, шунингдек, бу феъл музаккар жинс III шахс кўплик сонда даммага, музаккар

<sup>1</sup>Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: 1963. – С. 121.

<sup>2</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёийа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2086 саҳифа.

<sup>3</sup>ФЗ.2086.



жинсадаги II шахс кўплик ва муаннас жинсадаги III шахс бирлик сонда сукунга тугайди ва қолган барча шаклларда фатҳа билан ниҳояланади.

Асарда ҳозирги-келаси замон феълига қуйидагича таъриф берилган: -рги«Ҳози 1-سَوْفَ و تَخْصِيصِهِ بِالسَّيْنِ وَ سَوْفَ 1-келаси замон феъли – ўтган замон(нинг калимаси)га نَأَيْتَ (ن أ ي ت) харфларидан бири қўшилса, келажакка доир бир маъно ҳосил бўладиган феълдир. Унга سَيْن (س) ва سَوْفَ харфлари қўшилса фақат келаси замонни англантиб исмга ўхшаб қолади». (Масалан: يضرب - урябди, سوف يضرب - уради.)

2 «Ҳозирги-келаси замон феълнинг ҳаракати рафъ (бош келишик-дарак майли шаклида), насб (тушум келишиги-истак майли шаклида) ва жазм (шарт майли шаклида) ҳолатида бўлади, масалан: يضرب – (бош келишик-дарак майли шаклида) урябди, لن يضرب – (тушум келишиги-истак майли шаклида) – (ҳеч қачон, эмас) ёзмайди, لم يضرب (шарт майли шаклида) (умуман, ҳеч) урмади».

Асарда Ибн Ҳожиб айтадики:

3 «(Ҳозирги-келаси замон феъли) насб (тушум келишиги-истак майли шаклида) ва жазм (шарт майли шаклида) қилувчи омиллардан холи бўлса рафъ (дарак майлида) бўлади, масалан: يَقُومُ زَيْدٌ -Зайд туряпти», – дейди.

Абдурахмон Жомий бу маълумотларни қуйидагича шарҳлайди:<sup>4</sup>

4 «و يَرْتَفَعُ إِذَا تَجَرَّدَ عَنِ النَّاصِبِ وَالْجَائِمِ وَقَوَعَهُ مَوْقِعَ الْأِسْمِ كَمَا فِي زَيْدٍ يَضْرِبُ أَي ضَارِبٍ - (Ҳозирги-келаси замон феъли) насб (истак майли шаклида) ва жазм (шарт майли шаклида) қилувчи омиллардан холи бўлса исм ўрнида келиб маъно жиҳатдан рафъ (аниқлик майлида) бўлади, масалан: زَيْدٌ يَضْرِبُ - «Зайд урябди» ёки ضَارِبٌ - «урувчидир». Жомий: زَيْدٌ يَضْرِبُ - «Зайд урябди» ва زَيْدٌ ضَارِبٌ - «Зайд урувчидир» жумлаларини келтириб ушбу икки жумла маъно жиҳатдан бир хил маъно англантишини таъкидлайди. Чунки, феълнинг ҳозирги замон дарак майли(زَيْدٌ يَضْرِبُ - «Зайд урябди») билан феълнинг аниқ даража сифатдоши(زَيْدٌ ضَارِبٌ - «Зайд урувчидир») бир хил маънода ишлатилиши мумкин.

«و يَنْتَصِبُ بِأَنْ و لَنْ و كَيْ و إِذَنْ<sup>5</sup> : «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да шундай дейилади: «Ҳозирги-келаси замон феъли (ушбу тўртга юклама) إِذَنْ , كَيْ , لَنْ , أَنْ билан насб (истак майли шаклида) ҳолатида бўлади».

Жомий шарҳида ушбу тўрт юкламанинг асл кўринишлари ҳақида мумтоз арабшунос олимларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтади: قال الفراء اصله لا ابدل

<sup>1</sup> Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 209а саҳифа.

<sup>2</sup> Ф3.209а.

<sup>3</sup> Ф3.209б.

<sup>4</sup> Ф3.209а.

<sup>5</sup> Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 293а саҳифа.



الالف نونا و قال الخليل اصله لان فقصر كما بحذف الف لا و همزة ان في اى شىء و قال سيبويه انه حرف براسه و اذن قيل اصله اذ ان فحفت و قيل اصله اذا انظر فيه فنون عوضا عن المضاف اليه.<sup>1</sup>

– «Шайх Фарро (юкламаси) аслида эди ва алифни тушириб, унинг ўрнига сукулли нун кўйилди, дейдилар. Шайх Халил эса لان бўлади, деганлар. Ўртадаги (ل) ва ن ا нинг ҳамзасини тушириб қолдирилгандан сўнг бўлди, дейдилар. Шайх Сибавайх эса ل ن ўз олди билан бир ҳарф, дедилар. اذн эса аслида اذ ان эди. Уни енгиллаштириб اذن қилинди. Баъзилар эса аслида اذا انظر فيه дир ва اذا даги танвин -танвини эваз бўлиб, мудофун илайҳи (мослашмаган аниқловчи)дан эваздир, деганлар».

Абдурахмон Жомийнинг ҳозирги-келаси замон феълининг насб (истак майли шакли) ҳолатида келишини талаб қилувчи اذن , كئى , ل ن , ا ن юкламаларининг грамматик нуқтаи назардан қандай шаклда ясалганлиги ва ўзгаришга учраганлигини Жомийнинг берган маълумотлари орқали билиб олдик. Шу кунгача бошқа мумтоз араб тилшунослик асарларида бундай тўлиқ маълумотни учратмадик. Бу маълумотлар «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг юксак илмий аҳамиятини белгилиб беради.

Демак, اذن , كئى , ل ن , ا ن юкламалари ҳозирги-келаси замон феълининг охириги ҳаракатини «фатҳа»га айлантириб насб ҳолатида, истак майли маъносини англатади. «ا ن» юкламаси ўзбек тилида «...ни» маъносини берувчи истакни ифодалайдиган юкламадир. Масалан: يَرِيْدُ اللهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ - «Аллоҳ сизларга (шариат аҳқомларини) енгиллатишни хоҳлайди».<sup>2</sup> (Нисо сураси, 28-оят). «ل ن» – «ҳеч қачон, эмас, асло» маъноларини англатади ва келаси замонда мутлақо амалга ошмайдиган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: لَنْ يَفُوزَ الْكٰفِرٰنَ - «Дангаса ҳеч қачон муваффақият қозонмайди». «كئى»- «учун, ниятида» маъносини англатиб, иш-ҳаракатни бажаришдан кўзланган мақсадни ифодалаш учун ишлатиладиган юкламадир. Масалан: اِسْمَعْ كَيْ تَفْهَمَ - «Тушуниш учун қулоқ сол». «ا ذن» юкламаси эса «ундай бўлса» маъносини билдириб, ўзидан олдинги жумлага жавоб бўлиб келган жумла таркибида келади. Масалан: اِذْنٌ تَدْخُلُ الْبَيْتَ - «Ундай бўлса уйга кирасан».

Абдурахмон Жомий айтадики: وَ يَنْجِزُ بَلْمَ و لَمًا و لَامَ الْأَمْرِ و لَا فِى النَّهْيِ و كَلِمَ و الْمَجَازَاتِ و هِىَ اِنْ و مَهْمَا و اِذْمَا و حَيْثَمَا و اَيْنَ و مَتَى و مَا و مَنَ و أَيَّ وَأْتَى و أَمَّا مَعَ كَيْفَمَا و إِذَا فَشَادٌ<sup>3</sup> - «Ҳозирги-келаси замон феъли (...ма, йўқ), لَمًا (- ...магунча, бўлмагунча, ҳалигача), ل (- буйруқни ифодалаш учун), لا (- инкорни ифодалаш учун) (юкламалари) билан ва мужазат яъни шарт майлини талаб қилувчи сўзлари билан ҳам шарт майлида жазм (сукул) ҳолатида бўлади. Мужазат(мукофот) юкламалари اِنْ – агар, مَهْمَا – қачон?, اِذْمَا – ҳар вақт, қачонки, حَيْثَمَا – қайси жойга, اَيْنَ – қерда?, مَتَى – қачон?, ما – нима?, مَن – ким?, أَيَّ – қайси?, اَتَى – қерда.

<sup>1</sup>Ф3.2936.

<sup>2</sup>Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 83.

<sup>3</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 294а саҳифа.



Ҳозирги-келаси замон феъли **كيفما** – қандай? ва **إذا** – агар, қачонки, ҳар қачон юкламаси билан жуда кам ҳолатларда жазм (суқунли) бўлади».

Маҳмуд Замахшарий ҳозирги-келаси замон феълининг шарт майлини ифода этувчи юкламалар умумий бештадан ( **إِنْ, لَوْلَا, لَمَّا, لَمْ** ) иборат эканлигини айтиб ўтган бўлса<sup>1</sup>, Жомий бу юкламаларнинг 16 тасини келтириб ўтган. Шунингдек, 16 та шарт майли юкламаларини 2 га бўлади. Биринчиси – ўзидан кейин битта феълини жазм(суқун) қилувчи юкламалар бўлиб улар тўртта: **لَمْ, لَمَّا, لَوْلَا**. Иккинчи гуруҳни эса Жомий «Мужазат-(яъни)мукофотлар» деб номланган юкламалар», деб атайди. Улар 12 та: **إِنْ, لَمَّا, كَيْفَمَا, إِذَا**, юкламалари бўлиб, бу юкламалар ўзидан кейин иккита феълини жазмли (суқунли) қилади.

Ўзидан кейин битта феълини шарт майлида келишини талаб қилувчи юкламалардан бири бўлган **لَمْ** ва **لَمَّا** юкламалари ўтган замон маъносидаги инкорни ифода этади. **لَمْ** юкламаси билан келган феъл умуман амалга ошмаган иш-ҳаракатни ифода этса, **لَمَّا** юкламаси нутқ пайтигача давом этиб келаётган инкор маъносини билдиради. Масалан: **لَمْ يَكْتُبْ** – У умуман ёзмади, **لَمَّا يَكْتُبْ** – У ҳозиргача ёзмади. Шунингдек, **ل** юкламасини Жомий **لِأَمْرِ الْأَمْرِ** – яъни буйруқ «лом»и деб атайди, масалан: **لِيَحْتَرِمَ** - У ҳурмат қилсин. **لَا** юкламасини эса **لَا النَّهْيَ** - яъни «инкор «лом»и дейди, масалан: **لَا تَكْسَلْ** - дангасалик қилма. Демак, юқорида келтирилган юкламалардан кейин битта ҳозирги –келаси замон феъли келиб, суқун ҳолатида туради. «Мужазат(мукофотлар)» гуруҳига кирувчи 12 та (**إِنْ, إِذَا, كَيْفَمَا, أَيَّ, مَنْ, مَا, مَتَى, أَيْنَ, حَيْثُمَا, إِذْمَا, مَهْمَا**) юкламадан кейин иккита ҳозирги – келаси замон феъли келиб, улар жазмли(суқунли) ҳолатда, шарт майлида бўлади. Масалан: **إِنْ تَذَهَبْ أَذْهَبَ** - Агар борсанг, бораман. **إِذَا تَرَحَّمَ تَرَحَّمَ** - Агар раҳм қилсанг, раҳм кўрасан. **كَيْفَمَا تَكُنْ يَكُنْ أَصْدِقَاؤُكَ** - Қандай бўлсанг дўстларинг ҳам шундай бўлади. **أَنَّى يَذْهَبَ صَاحِبُ الْمَالِ يَكْرَمُ** - Мол сохиби қаерга бормасин ҳурмат қилинади. **أَيُّ كِتَابٍ تَقْرَأُ تَسْتَفِيدُ** - Қайси китобни ўқисанг фойда оласан. **مَا تَحْصِلُ فِي الصَّغْرِ يَنْفَعُكَ فِي الْكِبَرِ** - Ким талаб қилса(изласа) топади. **مَنْ يَطْلُبُ يَجِدْ** - Ёшлиқда нимани қўлга киритсанг, катта бўлганинда манфаат кўрасан. **تَكْتُبْ** - Қачон ёзсанг, ёзаман. **أَيْنَ تَذْهَبُ يَذْهَبُ** - Қаерга борсанг у(хам) боради. **حَيْثُمَا تَسْتَقِيمُ يُقَدِّرُهُ لَكَ اللَّهُ نَجَاحًا** – Қайси жойда тўғри бўлсанг, Аллоҳ сенга муваффақият беради. **إِذَا مَا تَتَعَلَّمُ تَتَقَدَّمُ** - Қачонки таълим олсанг, ривожланасан, мисолларда кўриб ўтганимиздек, шарт майлининг юкламаларидан сўнг феъл жазм (суқун) ҳолатида туради.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да буйруқ майли ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирган: «Буйруқ – **الْأَمْرُ صِيغَةٌ يُطْلَبُ بِهَا الْفِعْلُ مِنَ الْفَاعِلِ الْمُخَاطَبِ بِحَرْفِ الْمَضَارَعَةِ**<sup>2</sup> майли феълнинг II шахсига нисбатан ишлатилиб, ҳозирги-келаси замон феълнинг шахс-сон қўшимчасини (ҳаракати билан) олиб ташлаш орқали ҳосил қилинади». Жомий мавзуни давом эттириб айтадики: **«الْأَمْرُ» وَ فِي بَعْضِ**

<sup>1</sup>Қаранг: Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: 2005. – Б. 124.

<sup>2</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2176 саҳифа.



<sup>1</sup> «النسخ مثال الأمر» - «Амр (буйрук) майли- («Кофия»нинг) баъзи қўлёзма нусхаларида **مِثَالُ الْأَمْرِ** («Буйрук майлининг мисоллари») шаклида келган». Араб тили грамматикасида шунингдек, мумтоз араб тилшунослигига оид асарларда ҳам буйрук майлини ифодаловчи атама «الأمر» ёки «فِعْلُ أَمْرٍ» атамалари орқали ифодаланади, аммо буйрук майлининг «مثال الأمر» шаклидаги атамасига илк бор Жомий берган маълумот орқали дуч келдик.

Ибн Ҳожиб айтадики: **و حُكْمُ آخِرِهِ حُكْمُ الْمَجْرُومِ**<sup>2</sup> - «Буйрук феълининг охири жазм (сукун яъни шарт майли) қилинган феълнинг ҳукми кабидир» дейди. Жомийнинг шарҳига кўра<sup>3</sup>, буйрук майлини ифодалаб келаётган феълнинг охири саҳиҳ яъни тўғри феъл бўлса сукунли бўлади. (масалан: **ضرب** (урмоқ), **تَضْرِبُ** (урябсан), **إِضْرِبْ** (ур) Шунингдек, охири муътал (иллатли ҳарф яъни охири **و، ي، ا** дан иборат) бўлган феълларнинг иллатли ҳарфи ҳам тушириб қолдирилади. (масалан: **رَمَى** (отмоқ, ирғитмоқ), **— تَرْمَى** (отябсан, ирғитябсан) - **رَمَ -** от, ирғит)

Куфа мактаби олимлари айтишадики, буйрук майлидаги феълнинг кўриниши муъроб (яъни феъл англатган сўзнинг охирини ўзгариши) ва «**ل -** ли» предлоги (қўшилиши) билан мажзум яъни шарт майлидаги сўздир, дейишади. Аммо, Басра мактаби олимлари буйрук майли мажзум (шарт майли) эмас, балки мавкуф яъни феълнинг охири ҳаракати вақф қилинган яъни тўхтатилганлиги сабабли сукун қўйилгандир» дейишади. Абдурахмон Жомий ҳам Басра мактаби олимларининг фикрларига қўшилиб, уларнинг фикри ҳақиқатга яқинлигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Демак, буйрук майлидаги феъл шакли асосан иккинчи шахсга қаратилган бўлиб, ҳозирги-келаси замон феъл шаклидан (иккинчи шахс) ўзакнинг учинчи ундоши ҳаракатини сукунлаш ва олдиндаги **ت** қўшимчасини олиб ташлаб ўрнига (**ا**) васлани ҳамзани орттириш орқали ясалади. Мазкур васлани ҳамзанинг қандай ҳаракат олиши феъл ўзагининг ўрта ундоши ҳаракатига боғлиқ. Агар унинг ҳаракати «дамма» бўлса, васлани ҳамзанинг ҳаракати ҳам «дамма» қилиб талаффуз қилинади (ёзувда васлани ҳамза ёзилмайди). Масалан: **اَكْتُبُ - تَكْتُبُ** – ёз. Агарда «фатҳа» ёки «каса» бўлса, васлани ҳамзанинг ҳаракати «каса» қилиб ўқилади.

Буйрук майли феълнинг I ва III шахслари шу шахсдаги феълнинг шарт майли олдида **ل -** ли юкламасини қўйиб ҳосил қилинади. Масалан: **لِنَشْرِبُ**

<sup>1</sup>Ф3.2176.

<sup>2</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёийа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 222а саҳифа.

<sup>3</sup>Қаранг: Ф3.222.

<sup>4</sup>Яна қаранг: Ф3.222: **و حكم آخره اى آخر الأمر فى الحقيقة – عند البصريين الوقف و البناء على السكون لإنتفاء ما يقتضى اعرابه و هو حرف المضارعة للاسم المقتضية للاعراب انما هى بسببه و فى الصورة حكم المجزوم اى مثل حكم المضارع المجزوم فى اسكان الصحيح الاعراب و حرف العلة لانه لما شابه ما فيه اللام من المجزوم معنى اعطى حكمه، تقول: (اضرب، اضربا، اضربوا) و (اخش و اغز و ارم) كما تقول: لم يضرب لم يضرباً لم يضربوا و لم يخش و لم يغز و لم يرم و ذهب الكوفيون الى انه معرب مجزوم بلام مقدرة**



(ичайлик), **لَيْشْرَبُ** (ичсин). Бу майлнинг инкор шакли барча шахслар учун шарт майли олдига **لَا** юкламасини қўйиш орқали ясалади. Масалан: **لَا تَكْتُبُ** (ёзма).

Умумий қилиб айтганда, иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодаловчи категория майл дейилади. Майл феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш хусусиятини, имкониятини, яъни реал воқеликка, шароитга боғланганлигини ифодалайди. Майл категорияси ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалаб, грамматик замон ва грамматик шахс (бажарувчи) билан узвий боғланади<sup>1</sup>.

Асарда Жомий ўтимли ва ўтимсиз феъллар ҳақида шундай дейди: **وَالْمُتَعَدِّي وَالْمُتَعَدِّي فَالْمُتَعَدِّي مِنَ الْفِعْلِ مَا يَتَوَقَّفُ فَهَمْهُ عَلَى مُتَعَلِّقٍ "أى عَلَى غَيْرِ الْفَاعِلِ يَتَعَلَّقُ الْفِعْلُ بِهِ وَ يَتَوَقَّفُ فَهَمْهُ عَلَيْهِ، "كضرب" 2 -** «- ўт «- ўтимсиз. Ўтимли феъл шундай феълки, уни тушуниш ўша феълнинг фоъили (эгаси)дан бошқа нарсага боғлиқликдир, масалан: Масалан: **ضَرَبَ** – урди».

Жомий мазкур шарҳи орқали ўтимли феъл деганда **مفعول به** - яъни воситасиз тўлдирувчиси бўлган феълларни назарда тутди. Араб тилида ўтимли феъл томонидан бошқарилиб келаётган сўз тушум келишигида келади. Масалан: **ضَرَبْتُ زَيْدًا** - «Зайдни урдим» каби.

Жомий ўтимли феъл ҳақида яна қуйидаги фикрларни келтиради: **وَالْمُتَعَدِّي** ўтимли «- **يَكُنْ مُتَعَدِّيًا إِلَى مَفْعُولٍ وَاحِدٍ كضرب و إلى اثنين كَأَعْطَى و عِلْمٌ و إلى ثلاثة كَأَعْلَمَ و أَرَى 3 -** «- феълнинг битта тўлдирувчиси бўлиши мумкин, масалан: **ضَرَبْتُ** (урди – **ضَرَبَ**) каби, иккита тўлдирувчиси бўлиши мумкин, масалан: (бермоқ) **أَعْطَى** ва (билмоқ) **عِلْمٌ** ( **علمت زيدا قائماً** - Зайдни турганини билдим) каби, учта тўлдирувчиси бўлиши мумкин, масалан: **أَعْلَمَ** (хабар бермоқ, билдирмоқ) ва **أَرَى** (кўрсатмоқ) (**أَعْلَمَ الْمَدْرَسُ تَلَامِيذَهُ الْعِلْمَ نَافِعًا**) (ўқитувчи ўқувчиларга илмни фойдали эканлигини билдирди)» каби.

Асарда ўтимсиз феъл ҳақида айтиладики: **و غير المتعدي بخلافه كَقَعَدَ 4** - «Ўтимсиз феъл ўтимли феълнинг тескарасидир, масалан: **قَعَدَ** – ўтирмоқ».

Араб тилида ўтимсиз феъл ўзи бошқариб келаётган сўзни бирор-бир предлог-олд кўмакчи ёрдамида бошқариб келади, шу сабабли ҳам у ўтимсиз феъл дейилади. Масалан: **جَلَسَ عَلَى الْكُرْسِيِّ** – Стулга ўтирди.

Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида феълларнинг семантик таснифини ҳам мукамал изохлаб, мажҳул даражадаги феъллар, ўйлаш ва ҳисоблаш маъносидаги феъллар, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини ифодаловчи феъллар, олқиш ва қарғиш феъллар, таажжубни ифодаловчи феълларни алоҳида ажратиб шарҳлайди.

Аллома араб тилидаги феълнинг мажҳул нисбат шаклини қуйидагича таърифлаган: **"فِعْلٌ مَا لَمْ يُسَمَّ فَاعِلُهُ" أى فِعْلُ الْمَفْعُولِ الَّذِي لَمْ يَذَكَرْ فَاعِلَهُ وَ إِضَافَةُ الْفَاعِلِ إِلَيْهِ**

<sup>1</sup>Мирзаев М. Ўзбек тили. – Т.: 1970. – Б. 145.

<sup>2</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 222а саҳифа.

<sup>3</sup>ФЗ.223а.

<sup>4</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 223а саҳифа.



нинг) Эгаси «(Гап – 1 **ضَرَبَ** "مثل: ضَرَبَ" مَثَلٌ: ضَرَبَ 1» аталмайдиган феъл шундай феълки, фобил(эгаси) тушириб қолдирилиб, ўрнига фобил бажарадиган вазифани ифода этувчи сўз-мафъул (тўлдирувчи) келади, яъни фобилнинг (эганинг) либоси тўлдирувчига кийдирилади. Агар эгаси зикр қилинмаган сўз ўтган замон феъли бўлса, у ҳолда унинг биринчи ҳарфи дамма ва охиридан олдинги ҳарфининг ҳаракати эса касра бўлади. Масалан: **ضَرَبَ** – калтакланди». Шунингдек, асарда: **وَ إِنْ كَانَ مُضَارِعًا ضَمَّ أَوَّلَهُ وَ فَتَحَ مَا قَبْلَ آخِرِهِ مَثَلٌ: يُضْرَبُ 2** - Агар эг замонда бўлса, биринчи ҳарфи дамма ва охиридан олдинги ҳарфининг ҳаракати фатҳа қилинади. Масалан: **يُضْرَبُ** - калтакланябди».

Демак, Жомийга кўра, маълум бир сўз олдида шакли ўзгартирилган мажхул феъл келиб, фобил (эга) вазифасини бажарадиган мафъулга (тўлдирувчига) «эгаси аталмайдиган феъл» дейилади.

«Шарҳи Мулло» асарига Ибн Ҳожибнинг **أَفْعَالُ الْقُلُوبِ** - «Гумон» ва «(ишончли) билиш» (ёки ўйламоқ ва ҳисобламоқ) ни ифодаловчи феъллар» ҳақидаги қуйидаги фикрлари келтирилган: **أَفْعَالُ الْقُلُوبِ: ظَنَنْتُ وَ حَسِبْتُ وَ خَلْتُ وَ زَعَمْتُ وَ عَلِمْتُ وَ رَأَيْتُ وَ وَجَدْتُ تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ لِبَيَانِ مَا هِيَ عَنْهُ فَتَنْصِبُ الْجُزْأَيْنِ 3**. «Гумон» ва **ظَنَنْتُ** (гумон қилдим), **حَسِبْتُ** (шундай ўйладим, шундай бир фикр-мулоҳазага бордим), **خَلْتُ** (гумон, тахмин қилдим), **رَأَيْتُ** (кўрдим), **عَلِمْتُ** (билдим), **وَجَدْتُ** (топдим) бўлиб, улар исмий жумланинг ҳар икки қисмини (эгаси ва кесимини) тушум келишиги (тўлдирувчи)га айналтиради».

Жомий мазкур жумлаларни қуйидагича шарҳлайди:

**"أَفْعَالُ الْقُلُوبِ" وَ تَسْمَى أفعال الشكّ و اليقين أيضا، كأنهم أرادوا بالشكّ الظن، و إلا فلا شئ من هذه الأفعال بمعنى الشكّ المقتضى تساوى الطرفين: و هي " ظَنَنْتُ وَ حَسِبْتُ وَ خَلْتُ" و هذه الثلاثة للظن " و زَعَمْتُ" و هي تكون تارة للظن و تارة للعلم " و عَلِمْتُ وَ رَأَيْتُ وَ وَجَدْتُ" و هذه الثلاثة للعلم " تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ لِبَيَانِ مَا هِيَ عَنْهُ" من الظن و العلم كما إذا قلت: (علمت زيدا قائما) فقولك (علمت) لبيان ما أنشأت هذه الجملة عنه حين تكلمت بها، و أخبرت بها عن قيام زيد انما هو العلم و إذا قلت (ظننت زيدا قائما) فقولك (ظننت) لبيان أن منشأ الإخبار بهذه الجملة هو الظن، و كذلك بواقى الأفعال " «Афъалул кулуб» яъни «Гумон» ва «(ишончли) билиш» ни ифодаловчи феъллар». Бу феълларни шак, шубҳа(гумон) ва ишончли феъллар деб ҳам аташади. Боиси бу феълларнинг баъзилари шубҳа ва баъзиси эса ишончга далолат қилади. Масалан, **ظَنَنْتُ** феъли гумон қилдим, маъносидадир. **حَسِبْتُ** эса ўйладим, ўйлабман, маъносида, **خَلْتُ** гумон, тахмин қилдим, маъносида. Бу уч феъл шубҳа-гумонга далолат қилади. **زَعَمْتُ** (ўйладим, гумон қилдим) эса гумон ва билиш ўртасида муштаракдир, яъни **زَعَمْتُ** ўрнига кўра гумонни, баъзида эса билишни ифодалайди. Бу феъл баъзан **ظَنَنْتُ** (гумон қилдим) маъносида ва**

<sup>1</sup>Ф3.223а.

<sup>2</sup>Ф3.223а.

<sup>3</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2236 саҳифа.

<sup>4</sup>Ф3.224б.



баъзан эса عَلِمْتُ (билдим) маъносида келади. عَلِمْتُ ва رَأَيْتُ ва وَجَدْتُ феъллари-бу уч феъл илм, яъни билмоқ маъносида бўлади. Мазкур феъллар исмий жумлани баён қилиш учун ишлатилади. Гумон ва билиш нима дегани? Масалан, زيدا قائما (Зайд турибди) десанг, унда икки эҳтимол бор:

1) Сен бу хабарни аниқ билиб туриб ёки гумон билан айтябсан, агар сен علمت زيدا قائما (Зайдни турганини билдим) десанг, сен Зайднинг тик турганини, ҳақиқатан, аниқ билиб туриб айтябсан.

2) Борди-ю ظننت زيدا قائما (Зайдни турди деб ўйладим) десанг, унда маълум бўладики, сен гумон билан айтябсан. Демак, бу феъллар жумланинг ҳар икки қисмини насб (тушум келишиги) қилади. Чунки улар аслида мубтадо ва хабар эди. («الاسناد اليه») – феъллий гапдаги فاعل (эга) ўрнида, «مسند» атамаси эса, فعل (кесим) ўрнида ишлатилади. Шунингдек, исмий гапдаги эга ва кесимга нисбатан ҳам, «الاسناد اليه» ва «مسند» атамаларини ишлатиш мумкин».

Дарҳақиқат, араб тилида шундай феъллар категорияси борки, улар жумлада ўзидан кейин келаётган эга билан кесимни тушум келишигида келишини талаб этади. Бу феъллар أَفْعَالُ الْقُلُوبِ («Гумон» ва «(ишончли) билиш»ни ифодаловчи феъллар) ёки ظَنُّ وَاخْوَاتُهَا<sup>1</sup> (Зонна(Гумон) ва унинг шериклари) дейилади. Бундай феъллар таркибига ظَنَّ (гумон қилмоқ, ўйламоқ), حَسِبَ (ҳисобламоқ), خَالَ (гумон, тахмин, фараз қилмоқ), زَعَمَ (гумон, тахмин қилмоқ) رَأَى (кўрмоқ), عَلِمَ (билмоқ), وَجَدَ (топмоқ), عَدَّ (ҳисобламоқ) кабилар қиради. Масалан: ظَنَّ سَلِيمًا عَالِمًا - У Салимни олим деб ўйлади.

Асарда яна айтиладики: وَمِنْهَا جَوَازُ الْإِلْغَاءِ إِذَا تَوَسَّطَتْ أَوْ تَأَخَّرَتْ لِاسْتِقْلَالِ الْجُزْئَيْنِ وَ زيدا قائما ظننت<sup>2</sup>. «Ушбу феъллар агар жумланинг ўртасида ёки охирида келса ўз таъсирини йўқотади, масалан: زيدا ظننت قائم ва زيدا قائم ظننت каби бўлади».

Хулоса. Демак, «Гумон» ва «(ишончли) билиш»ни ифодаловчи феъллар гапда ўз ўрнини ўзгартириб эга ва кесимнинг ўртасида ёки улардан сўнг турса эга ва кесимга бўлган таъсирини йўқотади. Масалан: ظننت زيدا قائما (Зайдни турди деб ўйладим) жумласидаги ظننت феъли эгадан сўнг келса, زيدا قائم (Зайд ўйлашимча турди) кўринишида бўлади.

Юқорида Жомий «Гумон» ва «(ишончли) билиш»ни ифодаловчи феълларнинг 7 тасини шарҳлайди. Олим бу феъллар ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланмайди, балки мазкур туркумга кирувчи ҳар бир феълнинг гапдаги вазифаларини, маъноларини аниқ ва мукамал шарҳлаб, муносабат билдиради ва уларни алоҳида туркумлайди. Ушбу феълларнинг бундай мукамал шарҳини бошқа мумтоз араб тилига оид асарларда учратмадик.

<sup>1</sup>Носиров О., Юсупов М. Ан-На’им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 681.

<sup>2</sup>Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2246 саҳифа.